



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Maftunaxon Abduolimova Nurulloxon qizi

Farg'ona davlat universiteti EFL/ESL o'qituvchisi

МЕТАФОРАНИНГ ТИЛШУНОСЛИКДАГИ ЎРНИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ

Аннотация

мақолада тилшуносликда бир қатор янги йўналишлар сингари, когнитология ва унинг йўналишларига оид фикр мулоҳазалар юритилган. Шунингдек метафорларни стандарт метафора, концептуал метафора, умумлашган метафоралар функциялари баён этилган.

Калит сўзлар: стандарт метафора, концептуал метафора, умумлашган метафора, метафора, когнитология, антропоцентрик

Бугун тилшуносликда бир қатор янги йўналишлар сингари, когнитология соҳасига ҳам тобора қизиқишлар ортиб бормоқда. Чунки тилшуносликни ананавий тилшунослик ва замонавий тилшунослик деб даврларга ажратадиган бўлсак, ҳозирги замонавий тилшуносликнинг асосий йўналиши бу антропоцентрик йўналишдир. Антропоцентрик йўналишнинг асосий хусусияти шундаки, ушбу йўналиш марказида инсон омили туради. Яъни, инсон, инсон ҳаракатлари, нутқий фаолияти муҳим омил ҳисобланади. Инсонлар нутқий жараёнларини ўрганиш, авваламбор, инсонларнинг билиш, идрок этиш жараёнлари билан боғлиқдир. Оннинг билиш, тушуниш, идрок этиши билан боғлиқ бирликларни ўрганувчи тилшунослик соҳаси “когнитология” номи билан номланади. Когнитологияни ўрганишда инсонларнинг нутқий актлари, нутқий жараёнларини ҳамда уларни ташкил қилган воситаларни ўрганиш муҳимдир. Нутқий жараёнларнинг асосий воситаси сўзлар бўлганлиги боис, сўзларнинг ўз маъноси билан бирга улар ифодалаган услубий маъноларни ўрганиш бугун кўплаб

тадқиқотчилар олдида турган муҳим масалалардан биридир. Сўзларнинг услубий маънолари ҳақида гапирганимизда, тилнинг жозибадор ва бўёқдорлигини кўрсатувчи бирликлар метафораларга алоҳида тўхталишимиз жоиздир. Метафораларни ўрганиш қадимги даврларга бориб тақалади.

Антик даврларда метафорани оламни англашнинг алоҳида усули ва воситаси сифатида кўрсатиш Аристотел (шунингдек, Цицерон)га тааллуқли ғоядир[1]. Бу даврга келиб маъно кўчимини таснифлаш тўғрисидаги илк қадамлар қўйилди: метафоранинг исмлар (умуман сўзлар) қаторидаги ўрнини аниқлаш, метафоранинг “ноодатий” феномен табиатини текшириш сингари масалалар шулар қаторидандир. Деметрий Фалерский Цицерон, Квинтилиандан ўзга тарзда, илк марта метафора орқали буюмлар тўғрисидаги маълумотни аниқ ва равшан етказиш мумкинлигини пайқайди. Метафоранинг вазифавий мезони ўрнида метафоранинг қўлланиш мақсадларини кўрган Квинтилиан, «Исм ёки феъл ўз ўрнидан у етишмаётган ёхуд ундан афзал бўлмаган номлар ўрнига кўчирилади»[2] деб ҳисоблайди. Квинтилианга кўра, метафора қуйидаги ҳолларда ишга туширилади: 1)ўз номига эга бўлмаган предметни номлаш (заруратидан) учун (замонавий таснифга кўра номинатив метафора (*necesse est*)) – қаттиқ одам, юмшоқ одам; 2)объектга нисбатан муносабатни ифодалаш, баҳолаш учун (нутқни жозибадор қилишга таъсир кўрсатади) – баҳоловчи метафора (*significantius est*) – нафрати оловланди; 3)нутқни безаш учун (нутқни гўзаллаштириш учун) – декоратив метафора (*ad ornatum*) – сўзамоллик дарёлари[3]. Ўзбек тилида метафораларни ўрганишнинг тарихи асосан Шарқ мумтоз адабиёти ва фалсафа мактабларига тақалади (Ибн Халдун, Умар Родиёний, Рашидиддин Ватвот, Қайс Розий, Атоуллоҳ Хусайний, Шайх ибн Худойдод Тарозий, кейинчалик Фитрат)[4]. Тилшунос О.Каримов келтирилган далилларни давр нуқтайи назаридан таҳлил қила туриб, метафора борасидаги қарашларнинг асрдан-асрга тараккий эта борганини қайд этади[5]. Ўтган 30 йил ичида янги концептуализация ва метафораларни тушуниш метафораларга нисбатан турлича янги қарашлар пайдо бўлишига олиб келди ва ушбу тадқиқотлар фалсафий тушунчаларда акс этди. Метафора ҳақида узоқ вақтлардан бери “номинатив метафора” деб номланувчи тушунча мавжуд бўлиб, ушбу тушунча метафора тадқиқотлари учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Чунки, адабиётда метафора ҳақидаги билимларни умумлаштирадиган бўлсак, метафорларни бир неча турларга бўлинишини айтиб ўтишимиз жоиз: **стандарт метафора, концептуал метафора, умумлашган метафора**. Буларни ҳар бирини ўрганиш метафора юзасидан билимларни яна ҳам бойитишга асос бўлади.

Стандарт метафоралар. Стандарт метафора тузилмаси шундай тасвирланадики, у том маънода тўғри бўлмаган, лекин қандайдир шаклларга эга. Ўша шакллар эса, турлича бўлган ғоя ва тушунчаларни ифодалайди. Бундай фикрга кўра, метафора кўпинча нонстандарт ёки кўп вариантли тилни қўллаш деб ҳисобланади. Сеарленинг фикрича, метафоралар такрорланмас бирликлардир. Яъни уларни бир-бири билан алмаштириб ёки такрорлаб бўлмайди. Унинг айтишича, биз метафорали гапни айнан ўзини такрорлай олмаймиз ва метафорадек айнан метафора ифодалаган маънони очиб бера олмаймиз.

Масалан, Шекспирнинг Ромео ва Жулетта асарини оладиган бўлсак, ушбу асарда ҳам жуда кўплаб метафораларни учратишимиз мумкин. Адиб асар қахрамонларини тасвирлашда метафоралардан фойдаланган. Ромеони коинотга қиёслайди, чунки у



Жулетта учун ҳаёт бахш етади, Жулеттани еса қуёш мисолида тасвирлайди, чунки Жулеттадаги инсоний, жўшқин хусусиятларни кўрсатмоқчи бўлади. Лекин муаллиф айтмоқчи бўлган гапларини очиқ тасвирламайди. Ёзувчи мажозий маънода тасвирламоқчи бўлган фикрларини метафоралар ёрдамида ифодалашни нутқнинг яна ҳам жозибадор бўлишига ёрдам беради. Гап таркибидаги сўзларнинг кўчма маъноси яъни метафорик маъносини тушунишда контекст муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Метафоранинг энг асосий вазифаларидан бири шундаки, метафора ёрдамида айтилмоқчи бўлган фикр яна ҳам бўёқдор ва тингловчига таъсирли тарзда етказилади. Агар сўзларда услубий бўёқдорлик бўлмаса, сўзловчининг нутқ вазиятидан мўлжаллаган нияти амлга ошмаган бўлади. Метафоралар ёрдамида эса, нутқнинг услубий бўёқдорлиги ошади.

Концептуал метафора. Концептуал назария тўғрисидаги дастлабки қарашлар Реддининг “The Conduit Metaphor” асарида келтирилган бўлиб, у метафораларга мулоқот жараёнида ишлатиладиган умумий тил воситасидир дея таъриф беради. Ушбу йондашувга кўра, тилдаги мавҳум тушунчаларни тасвирлашда, тилнинг функционал фойдаланувчилари учун йетарлича тушунчалар мавжуд бўлмаслиги мумкин[6]. Чунки тилимизда мавжуд бўлган тушунчалар дунёнинг лисоний бирликлари ва хусусиятларини тасвирлашда услубий маъно жиҳатидан айнан контекст талаб қилган маънони очиб беролмаслиги мумкин. Метафоралар ёрдамида эса айтилмоқчи буёлган фикр яна ҳам аниқроқ намоён бўлади. Дунёни тасвирлаб бўлмайдиган хусусиятларини идрок этишда, сўзларнинг ўз маъносига қараганда уларнинг кўчма маънолари кўпроқ мажозий характерга эга. Функционал тилда сўзлашувчилар сўзларнинг бундай мажозий маъноларидан мохирлик билан фойдаланадилар ва тингловчилар ҳам қийинчиликларсиз тушунадилар. Реддининг метафора тўғрисидаги назариясини батафсил ишлаб чиқдилар ва “Стандарт метафора” дан фарқли равишда “Концептуал метафора” ва “Умумлашган метафора” сингари тушунчаларни ажратиб кўрсатдилар. Биз дунёни тушунишимиз ва бизнинг атрофимиз метафорикдир, чунки атрофимиздаги нарсаларни аналогик тарзда бошқа нарсалар нуқтаи назаридан тушунамиз ва фикр юритаемиз. Ушбу когнитив-метафорик тизим концептуал метафорик тилдан фойдаланиш учун асосдир. Когнитив тушунчаси “Когнитив категорик тизим” нинг қисқартмаси сифатида ишлатилади. Бизга яхши маълумки, инсон онгида ахборотларни ташкил қилиш ғоялар ўртасидаги муносабатларга асосланади, бу эса ўз навбатида когнитив жиҳатдан мураккаб тил бириктери тилда метафорик муносабат ифодалашни билан боғлиқдир. Дунё ҳақида маълумот олишнинг энг самарали усули – онгимиздаги маълумотларни тартибга солиш ва тушунишдир. Когнитив метафора асосчиларидан бири Ж.Лакоффнинг таъкидлашича, дунёни тушунишнинг асосий воситаси тилдан фойдалана олиш қобилиятидир. Яна Лакофф айтадики, тил сохиблари худди гўдаклар сингари тилни тўлиқ идрок этишдан олдин, сезги аъзолари ёрдамида дунё ҳақидаги дастлабки тушунчаларга эга бўлишади. Турли маданиятлар маданий жиҳатдан чегараланган концептуал метафорани яратиш учун, тилнинг турли аспектларидан фойдаланадилар. Лакофф тилдаги бириктерлар ва тушунчалардан Ричардс ва Бласск лардан фарқли равишда фойдаланади[7]. Масалан, ушбу мисолни кўрадиган бўлсак, “Севги алоқалари саёҳатлардир” (Love relationships are journeys). Ушбу мисол бироз тушунарсиздек туюлиши мумкин. Лекин Лакофф ушбу ғояни тушунтириш учун когнитив хариталаш ва концептуал лингвистик кўринишларни таклиф қилади. Лакофф сеvgи алоқаларини саёҳатларга қиёслар экан, олим ушбу мисолни қуйидагича

тушунтиради: Севишган инсонлар саёхатга чиққан инсонларга ўхшатишган. Чунки сафарга чиқишда инсонлар манзилларига таваккал қилиб сафарга отланадилар. Севги алоқаларида ҳам икки севишган инсонлар таваккал ила ҳаётларини қолган қисмини бирга давом эттиришни хоҳлайдилар. Севги алоқаларида икки инсоннинг умумий мақсадлари бир хил бўлгани каби, сафарга чиққан инсонларнинг ҳам мақсадлари бир хиллиги остида умумлашади. Икки инсон муносабатларида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни сафар жараёнида юзага келадиган қийинчиликларга қиёсласак, севишган инсонларнинг муносабатлари саёхатларга ўхшатилади. Лакоффнинг фикрига кўра, умумий когнитив харита ёрдамида лингвистик иборалар осон тушунилади ват тил соҳиблари томонидан англашган ҳолда қўлланилади. Ушбу когнитив харита дунёни тушунишимиз тўғрисида ахборот берувчи кинесетик тажрибаларга асосланади. Яъни, стандарт ёки янги метафоралар метакорадаги терминлар ўртасидаги алоқаларнинг когнитив жиҳатдан тушунишган кўринишидир. Лакоффнинг фикрича ушбу метафорик алоқалар натижасида юзага келган тушунчалар концептуал метафоралардир. Юқорида келтирилган мисолга кўра, шуни айтишимиз мумкинки, тил соҳиблари саёхат терминлари билан ҳам севги, муҳаббат ҳақида суҳбатлаша оладилар. Масалан, севги ҳақида гапирганимизда кимдир метафорик гапни айтиши мумкин: “Our relationship hit a bumpy patch” (Бизнинг муносабатларимиз тугаб бормоқда) ёки “We are moving towards marriage” (Биз турмуш қуриш оstonасидамиз). Ушбу гаплардан гап нима ҳақида кетаётганини аниқлаш қийин эмас.

Счоннинг фикрича одамлар турлича концептуал фикрларга ега бўлганликлари сабабли баъзан бир-ирларини фикрларига қарши борадилар.

Контекстуал метафора. Контекстуал метафора умумий метафораларнинг бир тури ҳисобланади. Гарчи контекстуал метафора адабиётда тўлиқ муҳокама остига олинмаган бўлса ҳам, табиий тилда кенг қўлланилади. Контекстуал метафора гаплар таркибидаги стандарт метафора ва концептуал метафоранинг бирлашмасидир. Масалан, стандарт метафора билан бошланган ушбу гап “Соғлиқ бу урушдир” (Health is War) метафорани мустаҳкамловчи иборалар билан бирга келиши, бўлиши мумкин бўлган маъноларни чегаралаш ва муайян ёналишда ишлаб чиқишни рағбатлантириши мумкин. Масалан, биз саратон касаллигига қарши курашаётган бўлишимиз мумкин. Саратон хужайралари бегона босқинчилардир. Медицинада ушбу касалликни даволаш ва олдини олиш мақсадида энг яхши чоралардан ва усуллардан фойдаланилади. Ушбу мисолда, стандарт метафора терминлар ўртасида метафорик алоқа ўрнатмоқда, ва ушбу ғоялар концептуал метафорага боғланмоқда. Чунки, бу турдаги метафора матн ичида содир бўлади ва ўзига хос когнитив натижани юзага келтиради.

Биз метафораларнинг турлари ҳақида гапирар эканмиз, стандарт метафоралар метафоранинг бошқа турларини яшаш учун асос бўлиб хизмат қилса, қолган турлари когнитив метафора ва концептуал метафоралар бир-биридан фарқлашини айтишимиз жоиздир. Генератив-трансформатсион тилшунослик вакиллари Ж.Лакофф ва М.Жонсонлар метафора нафақат поетика ва риторикада, балки кундалик ҳаётда-тилда, тафқурда ҳаракатларда ҳам мавжудлигини кўрсатдилар. Шунинг учун биз ўйлайдиган ва ҳаракат қиладиган оддий концептуал тизим тубдан метафорик хусусиятга эга[8].

Когнитив метафора ва концептуал метафора терминлари бир-биридан тубдан фарқланади. Буни “когнитив метафора” ҳамда “концептуал метафора” терминларига

Ж.Лакоффнинг когнитив парадигма борасидаги таснифи, шунингдек, Н.Арутюнова, В.Телия, О.Буйноваларнинг бу турдаги метафораларга оид қарашлари негизида кўришимиз мумкин. Жумладан, концептуал метафора инсон тафаккурининг тушунчалар, мулоҳаза ва хулосалаш билан кечувчи жараёни бўлса, когнитив метафора бош мианинг нейрофизиологик субстратини ифода этади[9]. Яъни когнитив метафора инсоннинг билиш, идрок этиш билан боғлиқ тушунчаларни ифодалаб, инсон онгида бор тушунчалар ёрдамида англашини ифодаласа, концептуал метафора инсонларнинг қабул қилган маълумотларини идрок этиб, мулоҳаза қилишини кўрсатади.

Нуткимизда ҳар доим метафораларга эҳтиёж юқори бўлган. Чунки биз ҳар кунги нутқий фаолиятимизда метафоралардан фойдаланамиз. Баъзи ҳолларда англамаган ҳолда ҳам уларга юзланамиз. Баъзан битта фикрни ифодалаш учун бир неча гаплардан фойдаланамиз. Бу эса, ёзувчига ҳам, ўқувчига ҳам ноқулайлик туғдириши мумкин. Метафоралар ёрдамида эса бита гап ёки битти сўз ёрдамида фикримизни аниқ ифодалаб беришимиз мумкин. Шунинг учун метафораларнинг исм (ном) лар қаторидан жой олиб, кўплаб тадқиқотларнинг асосий ўрганиш объектига айланайтгани шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дорофеева А.А. Что скрывается в тайне метафоры? (О подходах к изучению метафоры западными учеными в XX в.) / Вестн. Моск. ун-та. Сер. 19. Лингвистика и межкультурная коммуникация. 2014. № 4.
2. Каримов О.Я. Абдулла Орипов шеърятда метафорик образлар тизими: Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2012
3. Kosimov, A. (2022). Tilshunoslik va psixologiyada metaforalarning tutgan o`rni, Sharq va G`arb olimlarining metaforalar yasalishi borasidagi fikrlari. Барқарорлик ва йетакчи тадқиқотлар онлайн илмий журнали, 2(3), 124-127.
4. Махмараимова Шохиста Тўхташевна Ўзбек тили метафораларининг антропоцентрик тадқиқи (номинатив аспект), ном.дисс.афтореферат, Самарқанд-2020.
5. Прокопчук О.Г. Развитие представлений о метафоре в античной риторической традиции. (Аристотель и Квинтилиан). Веснік Беларускага дзяржаўнага універсітэта. Серыя 4, Філалогія. Журналістыка. Педагогіка. - 2009. - N 2. - С. 75-78.
6. Quintilianus M. Fabius. Institutiones oratoriae. Libri duodecim. Lipsiae, 1887. (VIII, 6, 6).
7. Қобулова У.С. Метафорик матнда интеграл ва дифференциал семалар муносабати (ўзбек халқ топишмоқлари мисолида): Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2007
8. Reddy, M. J. (1993). The conduit metaphor: A case of frame conflict in our language about language. *Metaphor and thought*. A. Ortony. New York, Cambridge University Press: 164-201.
9. Richards, I. A. (1964). *The philosophy of rhetoric*. New York, Oxford University Press.